

# Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 1 сентябр,  
жума № 146-147 (2196)

# INSON

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртошлар!

Қадрли ватандошлар!

Аваламбор, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни барчамиз учун энг улуғ, энг азиз сана — Ватанимизнинг Мустиқиллик куни, истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугун мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида озодлик ва ҳуррият саҳифасини очиб берган Мустиқиллик кунини катта хурсандчилик ва ишонч билан нишонлар эканмиз, тарихан қисқа даврда босиб ўтган ўн беш йиллик тараққиёт йўлимиз давомида рўёбга чиқарган орзумидларимиз, амалга оширган ишларимизни баҳолаб олишимиз, биз ким эдигу ким бўлдик, қандай эзгу мақсадларга эришмоқчимиз, деган саволларни қўйишимиз табиийдир.

Мустиқиллигимиз йўл очиб берган маънавий ҳаётимизнинг юксалиши:

— ҳеч шубҳасиз, ўзлигимизни англаш ва топталган кадр-қимматимизни, қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, авлиё ва мутафаккирларимизнинг мўътабар номларини жой-жойига қўйиш;

— миллий онг, миллий гурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермоқда, бугунги жамиятимизнинг руҳий ва мафкуравий оламини ўзгартирмоқда ва асл ўзбек миллиятига мансуб қиёфа, дунёқараш ва фазилатларга ўзгалар эътиборини тортмоқда, кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшмоқда.

Иқтисодий ҳаётимизда:

— собиқ марказдан туриб режалаштирилган эскича тақсимлаш тизимидан, бирёқлама ривожланган иқтисодиётдан воз кечиш;

— бутунлай янгича, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, таркибий ўзгаришлар, модернизация, хусусийлаштириш ва либераллаштириш мақсадлари сари, хусусий мулкнинг маъқулни оширишга қаратилган қатъий ислохотларни олиб бориш;

— энергетика ва ёқилги масаласида, аҳолимизни галла, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида мустиқилликка эришиш;

— кичик бизнес ва фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатларини устувор даражага

кўтариш, давлат ва жамият томонидан уларни ҳимоя қилиб, барча ҳуқуқ ва эркинликларни яратиш, ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг йўллар очиб бериш нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда исботлаб турибди.

Бундай чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган, кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохот ва янгиланиш жараёнлари охириги бешолти йил давомида иқтисодиётимизнинг ишончли ва барқарор суръатлар билан ривожланишига, ҳаётимиз даражасини оширишга мустиқиллик замин барпо этмоқда.

Юрдошларимизда эгаллик ҳиссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйғотиш, шу замин обод ва унумли бўлиши учун қанча меҳнат сингса, менинг ўзим, оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат кўради, деган туйғу билан яшаш одамларимизнинг ҳаётга ва меҳнатга қарашини тубдан ўзгартирмоқда ва диёримизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшмоқда.

Бугунги кунда давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлигини энг юксак қадрият ва бойлик деб англаш, шу бойликни асраш, ҳимоялаш ва жамиятимиз ҳаётида энг устувор ўринга кўтаришдек эзгу вазифаларни амалга ошириш Конституциямиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни айнан шу мақсадларга бўйсундиришга қаратилган ҳаракатларимиз ўз амалий натижаларини тобора кўпроқ намён этмоқда ва халқаро майдонда тан олинмоқда.

Айниқса, мамлакатимизнинг яқин ва узоқ келажагини ўйлаб, инсонпарварлик ва олижаноб мақсадларимизни кўзлаб, халқимиз ҳаётида меҳр-оқибат ва мурувват, сахийлик ва меҳрибонлик, миллатлар ва динлараро ҳурмат муҳитини мустиқамлаш, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарларимизда амалга оширилаётган эзгу тадбир ва дастурларимиз аҳолимиз, кекса ва ёшларимизнинг онгу тафаккурига, иймон-эътиқоидига кўрсатаётган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ижобий таъсирини ҳар қадамда кўриб-сезиб туришимиз ва буларнинг барчасини юксак қадрлаймиз.

Юртимизда яшаётган ҳар қайси оила ва фуқаро, қолаверса, мам-

лакатимиз ва жамиятимиз истиқболининг янада юксалишини ўзи учун мақсад қилиб олган ва шу интилишни ҳаётга изчил татбиқ этаётган умуммиллий дастурларимиз, шулар қаторида Кадрлар тайёрлаш, Соғлиқни сақлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари — узоқ қишлоқ ёки марказда бўладими — бугуннинг ўзидаёқ моҳияти ва амалий самарасини кўрсатмоқда.

Ва уларнинг келажагини учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида — буни барчангизнинг олдингизда, сизлар орқали бутун халқимиз олдида ҳисобот тариқасида айтмоқчиман — мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуғ ишларни амалга оширди ва бундан 15 йил олдин танлаган, ўзбек модели деб ном олган йўлимиз тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бугун бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор — қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай тўфонли ва суронли кунларни бошимиздан ўтказган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз ватандошлар!

Бизнинг кўзлаган мақсад-манзилимиз очик ва равшан — демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш; халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш; жаҳон ҳамжамияти, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув ҳаёт кечириш.

Халқимизнинг асрлар давомида орзиқиб кутган ва интилиб яшаган мана шундай эзгу мақсадларидан, ўзини ҳар томонлама оқлаган истиқлол йўлидан бизни оздириб, ортга қайтармоқчи, таҳлика ва таҳдид етказмоқчи бўлган куч ва ҳаракатларга — булар Ватанимизни кўра олмайдиган ганимларимиз, кўпоровчи ва тажовузкор кучлар бўладими, бизга тазйик, зўравонлик кўрсатиб, ички ишларимизга аралашинишга, қандай яшашни ўргатишга қаратилган уринишлар бўладими, экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларни остонамизга олиб келишга уринаётган кимсалар бўладими — қандай шакл

ва ниқобни юзига тортмасин, уларнинг барчасига жавобимиз битта: бундай номаъқул интилишлар, кўпоровчилик ва ёвуз ҳаракатлардан қайтинглар — ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйсунмаган ва ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Бунинг исботи — биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жаҳон, бутун башарият тан олган улуғ олим ва мутафаккирлар, дунёга машҳур, ҳеч кимга таслим бўлмаган улуғ соҳибқирон ва саркардалар.

Бунинг замини — кўпни кўрган, танти, бағрикенг, ўта чидамли, лекин вақти келса, ҳар қандай босқинчи ва истилочининг ҳам адабини берган, бугун ҳам ҳушёр ва сезгир бўлиб, тинч ҳаёт кечириётган бунёдкор халқимиздир.

Бунинг мезони — тинчлигимиз ва хавфсизлик ҳимоясида, чегараларимизни дахлсиз сақлаш йўлида мардона турган, бугун жасорат ва фидоийлик мактабини ўтаётган, замон талабига жавоб берадиган ва ҳар қандай зўравон босқинчиларга зарба беришга қодир бўлган Куролли Кучларимиздир.

Бунинг тасдиғи — билаги, бели бақувват, ота-боболаримиз шону шарафининг давомчилиги, манамен деганлар билан ҳам беллашувга тайёр, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиздир.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Бугун, мана шу шуқуҳли айёмда юртимиз озодлиги ва истиқлолини юз йиллар давомида орзу қилиб ўтган, шу йўлда кўп-кўп қурбонлар берган ота-боболаримизнинг руҳлари шод бўлмоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам шу фикрга қўшиласиз.

Бугун ҳамангизни Мустиқиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган азму шижоати улуғ, фидойи ва олижаноб халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Табарруқ отахон ва онахонларимизга, хонадонларимиз кўрки бўлган меҳрибон ва мунис аёлларимизга, навқирон ёшларимизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва бахт, фаровонлик, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Оллоҳ назари тушган юртимизни ёмон кўзлардан ўзи асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустиқиллигимиз абадий бўлсин!

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик кунини муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Хукумати ва халқига катта мамнуният ила гоят самимий қутловларимни йўллайман.

XXI асрда тинчлик, тараққиёт ва инсоний қадриятларни олға силжитмоқ учун, халқларга хизмат қилмоқ учун БМТ ўзини янада самарали ва янада маъсулиятли ташкилотга айлантира боришни давом эттириши керак. Биз очарчилик ва касалликларга қарши курашяпмизми ёки демократияни мустақамлаш йўлида иш олиб боряпмизми; терроризмга қарши курашяпмизми ёки қонун-қондасини илгари сурапмизми; тинчликни ҳимоя қилапмизми ёки глобал атроф-

хитни қўриқлапмизми, гап мана шунда.

Биз фақат тинч-осойишта глобал ҳамжамиятни барпо этишда муваффақиятларга эришишни истар эканмиз, ҳали кўп иш қилишга тўғри келади. Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли олға силжиётган эканмиз, шуни англаш қувончилики, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон Хукумати ва халқининг давомли мажбурияти ҳамда қўллаб-қувватлашига умид боғлай олади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Кофи АННАН,  
БМТ Бош котиби

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганнинг ўн беш йиллиги муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Ҳозир Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар, ҳақиқатан ҳам, юксак даражага чиқди ва стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик тамойиллари негизида, анъанавий дўстлик ва ўзаро ҳурмат асосида ривожланиб бормоқда.

Сиз билан ўртамазда бўлиб ўтган ошқора, инон-ишонч руҳидаги мулоқотларни юксак қадрлайман. Бундай мулоқот Россия-Ўзбекистон ўзаро ҳаракатларига оид масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, мамлакатларимизнинг кўплаб халқаро муаммолар бўйича баҳамжihat позициясини ишлаб чиқиш, ҳозирги замоннинг хавф-хатар ва таҳдидларига қарши биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан курашиш имконини беради. Ишончим комилки, бундай ёндашув Марказий

Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш манфаатларига муттасил хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзолигини қайтадан бошлаш тўғрисида қабул қилган қарорингизни юксак қадрлашимизни қайд этишга яна бир бор ижозат бергайсиз. Бу қарор Ташкилот самарадорлигини ошириш, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш борасида кўшимча имкониятлар очади.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич, Сизга чин дилдан мустаҳкам соғлик ва давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

Владимир ПУТИН,  
Россия Федерацияси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябр — Ўзбекистон мустақиллиги кунини байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан йўллаётган қутловларимни қабул қилгайсиз.

15 йил муқаддам, 1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон Совет Иттифоқидан мустақиллигини эълон қилди ва янги келажакни барпо этмоқ учун ўзининг қадимий анъаналари ва маданиятига мурожаат этган ҳолда ислохотларни амалга ошира бошлади.

Уша пайтдан буён дунё анча ўзгарди, мамлакатларимиз эса ҳамкорлик йўлидан бориб, мавжуд таҳдидларга ҳам, янги хавф-хатарларга ҳам барҳам бериб бормоқда. Биз 2002 йилда кўплаб

соҳалар, жумладан, терроризмга қарши кураш ҳамда демократик ва бозор ислохотларини олға силжитиш борасида ҳамкорлик қилишга содиқлигимизни мустаҳкамлаган стратегик шериклик йўлига қадам қўйдик.

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида биз демократик ва гуллаб-яшнаётган Ўзбекистоннинг мана шу кенг кўламдаги дастури ҳаётга татбиқ этилишига содиқ бўлиб қолаверамиз ҳамда Ўзбекистоннинг тўла суверенитети ва мустақиллигини қўллаб-қувватлашдан иборат мустаҳкам позициямизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Эҳтиром ила,

Жорж БУШ,  
Америка Кўшма Штатлари Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2006 йил 4 сентябр кунини давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзолашни режалаштирилмоқда.

(ЎЗА)

Юртимиз ўн беш йиллик тарихан қисқа давр ичида катта тараққиёт йулини босиб ўтди. Бунга эришишда барча соҳа вакиллари каторида қасаба уюшма тизими ходимлари ҳам яқдил, ҳамжihat бўлиб салмоқли улуш қўшишди. Истиклолимизнинг муборак санаси арафасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси жамоаси бир гуруҳ вакиллари «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирлангани ана шу самарали фаолият меваси бўлди.

Маълумки, қасаба уюшмалари деганда меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимояловчи ташкилот тушунилади.

Демократик ҳуқуқий жамият қуриш, халқимизнинг моддий фаровонлигини таъминлашдек олий мақсадларни амалга оширилишини қасаба уюшмалари иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Ана шундай эзгу ишларга бел боғлаган ташкилотнинг халқ орасида нуфузи ва обрў-эътибори кун сайин ошиб бормоқда. Бу борада давлатимиз томонидан қасаба уюшмалари фаолиятини йўлга қўйишда ҳуқуқий эркин-



## ЭСДАЛИК НИШОНИ МУБОРАК!

лик ва имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтмаслик мумкин эмас. Шу асосда мустақил Ўзбекистон қасаба уюшмалари номига муносиб энг оммавий жамоат ташкилоти шаклланди.

Фахрли эсдалик нишонларини ўз эгаларига топшириш маросимида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова ана шундай эътирофга са-

зovor бўлган ташкилот-фаолларини табриқлаб, бундан кейин ҳам қасаба уюшмалари нуфузига нуфуз қўйишда ҳормай-толмай меҳнат қилишларига тилак билдирди. Қалби чексиз фахр-ифтихорга тўлган нишондорлар

ўзимдан мамнуният туйишга изн беради. Муқофотдан қанчалик руҳланганимни сўз билан ифодалашга ожизман. Ана шу куч мени янада сидқидилдан, гайрат-шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Бунинг

бирма-бир сўз олиб, ўзларига берилган муқофот Президентимизнинг қасаба уюшмаларига кўрсатган юксак эътибори ва ишончидан далолат эканлигини таъкидлашди.

— Мустақиллигимизнинг муборак ёши билан аталган эсдалик нишонига сазовор бўлганимдан бениҳоя ғурурандим, — дейди ЎзКУФК бўлим муdiri Асқарали Султонов. — У мен учун жуда қадрли, меҳнат фаолиятимга берилган баҳо бўлиб юрагимга ўрнашди. Узоқ йиллардан буён қасаба уюшмалари Федерациясида ишлаб келмоқдаман. Ташкилотимизнинг халқ ишончини қозонишида озгина бўлса-да ҳиссам борлиги ўз-

учун аввало Юртбошимизга, шу муқофотга номзодимни тавсия этган Федерация раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Ишловчилар манфаати учун камарбаста қасаба уюшма фаолларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона меҳнатларини ҳар қанча таърифласак оз. Зеро, уларнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланишида чуқур рамзий маъно мужассамланган.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,  
«Ишонч» мухбири

Суратда: ЎзКУФК бўлим муdiri Асқарали Султонов.

# Қутлуғ арафа кунда

...31 август. Тонг

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи янада гавжум бўлди. Зеро, улуғ байрамимиз нишонланаётган шуқуҳли кунларда шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизни қадрига етиб яшашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли маъсулиятни англашга ундайди. Бу ерда эл-юрт эъзозидеги кекса авлод вакиллари, илм-маърифат аҳли — зиёлилар, ҳукумат аъзолари ҳозир бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатон қурбонларини ёд этиш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган маросимда иштирок этди.

## 31 август кунини эрталаб

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиб, истиқлол ва эзгулик тушунчаларининг рамзий ифодаси бўлмиш Бахтиёр она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Бундан буён умумхалқ байрамларида, турли тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди.

Ўзбекистон Республикаси парламенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва давлат қўмиталари, концерт ва корпорациялар, муассаса ва уюшмалар, жамоат ташкилотлари номидан ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.




## 31 август кунини кечқурун

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Президент Ислом Каримов мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.



# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бугун она Ватанимиз ҳаётида унутилас, тарихий кун, катта шодиёна. Энг азиз, энг улуғ байрам — Мустақилликнинг 15 йиллигини нишонлаяпмиз. Ўтган давр кўҳна тарих олдига гўё лаҳзага тенг бўлса-да, унинг янги ҳаёт, янги жамият, демократик давлат барпо этиш йўлидаги саамори, салоҳияти ва қураати беқийёсдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташкилий жиҳатдан мустақкам, оммавий жамоат ташкилотига айланди. Меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ бўлган масалаарни ҳал этиш, меҳнат қонунари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш, айниқса, фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, мамлакатимизда барпо этилаётган адолатли, инсонпарвар жамиятнинг энг катта бойлиги инсон ва унинг қадр-қимматидир. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деган гоё эса касаба уюшмаларининг Ҳаракат Дастурини ташкил этади. Федерациямиз бундан буён ҳам меҳнат кишиларининг қонуний ҳуқуқлари, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, уларнинг куч-гайратларини мамлакатимизнинг буюк келажаги йўлидаги бунёдкорлик ишларига сафарбар этишга интилаверади.

Она заминимизда яшайтган барча юрдашларимизни ушбу қутлуғ айём билан муборакбод этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омад ва бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, хаалқимиз омон бўлсин.

**Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси раиси



# Юраклар нурга тўлди...



Ўз элининг сеvimли фарзанди, таниқли хушовоз кўшиқчи, санъат ахлининг гамхўр устози Байрам Матчановни нафақат Қорақалпоқ ва ўзбек халқи шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ҳамон яхши билишади.

У ўз меҳнат фаолиятини 1957 йилда Қорақалпоқ Давлат филармониясида кўшиқчи-вокалистликдан бошлади. Етук санъаткор бўлиш мақсадида ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Давлат санъат институтида мусиқий драма актёри мутахассислиги бўйича тахсил олди.



республика театр ва концерт ташкилотларининг моддий-техник базасини мустақамлашдек давр тақозо этган ишларга масъулик билан ёндошади.

У сўнги ўн икки йиллик меҳнат фаолиятида маданият тармоқлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни соғломлаштириш ва маданий, оммавий, спорт ишларини янада ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айниқса, касаба уюшмаси билан давлат маданият тармоқлари — яъни иш берувчилар ўртасида жамоа шартномаси, ижтимоий шерикчилик бандларининг бажарилишига, касаба уюшмаси тармоқ тизими ишини янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга эришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Байрам Матчанов бой тажрибаси, билими ва ташкилотчилиги билан касаба уюшма ходимлари ўртасида яхши обрў-эътиборга эга.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Байрам Матчановнинг "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланиши барча тармоқ ходимларини хушнуд этди. Юксак мукофот муборак бўлсин! Эзгу ишларингизга муваффақият тилаб қоламиз.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**  
"Ишонч" муҳбири

*Эй, энг яхши  
одам ким, деб сўраган!  
Айтигин ким бўлур  
энг яхши одам:  
Энг яхши одам шу —  
кимдан халқига,  
Қандайдир наф тегар,  
ҳар куну ҳар дам.*

**Абдурахмон ЖОМИЙ**

## МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ

Бухоро шаҳридаги 13-сон Жўйбор маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари Мустақиллиқнинг 15 йиллиги арафасида байрам дастурхони атрофида тўпландилар. Нуруний отахон ва онахонлар, кам таъминланган оилалар аъзолари, маҳалла фаоллари даврасининг файзи ўзгача бўлди.

Турли ноз-неъматларга тўла дастурхонга ош тортилди. Маҳалланинг обрў-эътиборли отахонларидан бири, меҳнат фахрийси Фармон Имомов эзгу ният билан ташкил этилган даврани очар экан, бунёдкор халқимизга энг яхши тилақларини изҳор этди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулсум Мўминова, "Маҳалла" жамғармаси шаҳар бўлими раиси Сулаймон Юсуповлар барчани энг улуг ва энг азиз байрам билан кутлаб, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлидаги ҳаракатларни давом эттиришга даъват этишди.

Мустақиллик — буюк неъмат, — дейди 85 ёшли онахон Зубайда Ҳалимова. — Шундай экан, оилаларда тинч-тотувликни таъминлаш, ёшлари-

Айни кунларда ҳаммада ўзгача кайфият, кўтаринки руҳ ҳукмронлик қилмоқда. Бугун улуг, энг азиз байрамимизнинг 15 йиллигини нишонламоқдамиз. Байрамда ҳар бир киши муносиб тўёна билан қатнашсам, дейди.

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан улкан бунёдкорлик ишлари, маънавият-маърифат соҳасида мислсиз ислохотлар амалга оширилди. Бундай ўзгаришлар нафақат ҳаётимизнинг турли соҳаларида, балки шаҳар, қишлоқларимиз қиёфасида, кишиларимиз онгу шуурида намоён бўлиб бормоқда.

Ўзлигини англаб етган ҳар бир инсон "Ватаним учун нима бера олдим?" деб яшashi табиий. Бу каби фидойилик эса ҳеч қачон бераббат, безътибор қолдирилмайди. Ҳар йили улуг тантана арафасида кўплаб ватандошларимизнинг қатор давлат мукофотлари, унвонлар, орден ва медаллар, кўкрак нишонлари билан тақдирланиши фикримизнинг исботидир.

## Эътироф

Президентимиз шу йил 19 июндаги фармонига мувофиқ, мамлакатимиз мустақиллигининг ўн беш йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий-маънавий салоҳияти ва муҳофаза қудратини мустақамлаш, сарҳадларимизнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишонининг таъсис этилиши ҳам ана шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидир.

Айни пайтда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони вазирилик ва идораларда, давлат ва жамоат ташкилотларида, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳукумат аъзолари, мутасадди раҳбарлар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан соҳибларига топширилмоқда. Бу муҳим тадбир жойларда катта тантана билан ўтказилмоқда.

Мукофотланганлар орасида бизнинг таҳририят ходимларининг ҳам мавжудлиги қувонарли ҳол.

— Бир вақтлар Мустақиллик, Озодлик, Ватан, Миллат аталмиш қалбни уйғотувчи сўзларни ёзишга ҳаққимиз йўқ эди. Мақолаларимиз орасидан уларни эринмай, битта-битталаб териб ташлашгани кечагидек ёдимда. Бугун эса юракларимиз бир олам нурга тўлиб, мустақиллик байрамини нишонлаётимиз, — қувониб сўзлайди маънавият, адабиёт ва санъат бўлими мудир Амина Қодирова. — Энг қувончлиси, Ҳуррият кўксимизга шода-шода мукофотларини тақди. "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони ана шулардан биттаси. Бебаҳо мукофотни олганим заҳоти юрагим устига тақиб олдим. Шунда гўё юрагимда қуёш порлагандай қувватландим, руҳан юксалдим. Ҳамма менга ҳавас қилди. Оилам, фарзандларим ҳам фахр ва эътиром билан, худди ўзлари мукофотлангандек, севиниб кетишди. Бу Озодлик севинчи, Ватан тухфаси эди. Дунёда озодлигинг ва Ватанинг мукофотидан қадрли яна нима бўлиши мумкин?! Яна шунга алоҳида таъкидлашни истардимки, тақдирланганлар орасида ҳамкасбларимизнинг кўплиги эса журналистика соҳасига давлатимиз эътибори ва эътирофининг рамзидир.

— Мен ҳам бир неча йилдан буён матбуот соҳасида хизмат қилиб келмоқдаман, — суҳбатни давом эттиради муҳбирлар ва хатлар билан ишлаш бўлими ходими Комила Боймуродова. — Бу йилги шодиёна арафасида "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан тақдирландим. Бундан қалбим чексиз гурур, қувончга тўлди. Албатта, ҳар бир кишининг меҳнати жамоанинг бевосита ёрдами ва яратилган шароитлари тўғрисида юзага чиқади. Шунинг учун ҳам бу эътибор бутун жамоамиз меҳнатининг эътирофи этилиши деб ҳисоблайман.

Ватанимиз осмон доимо тинч бўлсин! Эзгу ишлар амалга ошиши, юртимиз янада равнақ топиши йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишлик ҳаммамизга насиб этсин!

**Дилдора РАҲМОНОВА**

## АСКАРЛАР ҚУВОНЧИ



Термиздаги Н-ҳарбий қисмининг барча постларида энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллиқнинг 15 йиллигини нишонлаш учун кизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шундай дамларда мазкур ҳарбий қисмининг Пайгамбар оролидаги постда ўзининг йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ҳузурига таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Сурхондарё вилоят кўмитаси фаоллари ташриф буюрдилар. Улар аскарларни эртимиз Мустақиллиги билан кутлаб, ҳарбий қисм учун DVD плейр, офицерлар Ғайрат Миркомиллов ва Эргашали Алимқуловларга сервис топширишди. Яна 10 нафар аскар йигитларимизга қимматбаҳо қўл соатлари, ҳарбий қисмининг маърифат ва маънавият хонаси учун китоблар совға қилишди.

— Чегараларимизни қўриқлаётган йигитларнинг аксарияти Фаргона вилоятдан. Улар юрт сарҳадларида хушёр экан, демек Ватанимиз гуллаб яшнайверади, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кўмитаси раиси Х.Досов.

**М. МИРЗАЕВ,**  
Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси бўлим бошлиғи.  
**Икром ҲАСАНОВ** олган сурат

# Не ажаб, космонавтлар етишиб чиқса...

## АКА-УКА УЧУВЧИ ШОЖАЛИЛОВЛАР

миннатдорман.

Учувчилар оиласи анъанасини эндиликда набираларим давом эттирмоқда. Равшан Шожалилов Киев Фуқаро авиацияси, Илҳом Шожалилов ТДАИнинг муҳандислик бўлимини тамомлаб, Россиянинг "Трансаэро"

Наманган вилоятининг Кугай қишлоғи авиачорраҳалардан анча йироқда жойлашган. Бу ерда ҳеч қачон аэропорт, аэродром, авиамактаб ёки шунга ўхшаш бирон бир маскан бўлмаган. Бу кичкина қишлоқ яқинидан ҳатто оддий аэроқлубни излаб топиш ҳам амримаҳол. Шунга қарамай, Кугай қишлоғи Ўзбекистон авиацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан киритилган. Чунки, бу тупроқда машҳур олти ака-ука ҳарбий учувчи Шожалиловлар улғайишган. Уша вақтда ҳамма болалар сингари қишлоқ мактабида ўқиб, ота-онасига экин-тикин юмушларида қарашиб улғайган йигитлар вақти келиб, машҳур авиациячилар сулоласини тузишини ким ҳам ўйлабди дейсиз. 1963 йилда Валентина Терешкованинг фазога парвозидан кейин, Шожалиловларнинг катта кизи 17 ёшли Зулфия ҳам биринчи фазогир аёлга ҳавас қила бошлади. 1964 йилда Самара авиация институтининг самолётсозлик бўлимига ўқишга кирган Зулфия ҳаётини самолётлар билан боғлади. Бу воқеа унинг укалари тақдирига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади.

**Ж**ўра ака ва Мархабо опа уруш тугагач, яхши ниятлар билан турмуш куришди. Олти ўғил ва уч қизни воёга ётказишди. Олти нафар ҳарбий учувчи оддий ва серфарзанд ўзбек оиласида тарбияланишди. Жўра ака Иккинчи жаҳон урушида хизмат қилиб қайтган Фарғона водийсида биринчи ҳайдовчилардан эди. Ота фарзандлари қалбида болалигиданоқ техникага ҳавас ҳиссини уйғотди. Мархабо опа эса 30 йилдан зиёд вақт мобайнида ўзи очган болалар боғчасига раҳбарлик қилди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Муҳаммадали опаси Зулфияга: "Сиз янги самолётларни ихтиро қиласиз, мен эса учувчи бўлиб, уларни синаб бераман", — деб хат ёзади ва ҳарбий учувчи бўлиш учун Оренбург олий ҳарбий учувчилар билим юртига йўл олади.

Мактабни аъло баҳоларга битирган Олимжонга Жаҳон тиллари институтига имтиҳонсиз ўқишга кириш учун йўлланма беришади. Йигит мактаб раҳбарига йўлланма учун раҳмат айтиб, ҳужжатларини Оренбургдаги ҳарбий учувчилик мактабига топширади. Биринчи уринишда ўқишга кира олмаган Олимжон отаси билан автокорхонада ишлади. Бир йил ўтгач, бўлажак учувчи Оренбург ҳарбий учувчилар билим юртининг қабул имтиҳонларидан муваффақиятли ўтади. Тоҳиржон, Раҳимжон, Рустамжонлар ҳам ўша ерда таҳсил олишди. Улар акаларининг чорлов кўмагида биринчи уринишдаёқ ўқишга қабул қилинадилар. Бу орада Муҳаммадали ҳарбий учувчи бўлиб етишиб, Л-29, Ил-28 реактив самолётлари ва вертолётларни бошқара бошлайди. Дастлаб Ан-12 самолётининг 2-учувчиси бўлиб, сўнгра командирлик қилган Муҳаммадалининг босиб ўтган йўлидан укалари ҳам оғишмай келишарди. Бешинчи ўғил Қосимжон эса Ташкент Политехника институтини тамомлади. Кўп ўтмай, аэроқлубдаги самолётларда уча бошлади. Муваффақиятли кечган мустақил парвозлардан сўнгра, махсус комиссияни уни Ҳарбий Ҳаво кучлари учувчиси сафига қабул қилди. Қолган тўрт ўғил

ўқишни тугатиб, биринчи фазогир Юрий Гагарин хизмат қилган Шимолдаги ҳарбий ҳаво флотида фаолиятларини давом эттиришади. Умр бир текис кечмас экан. 1979 йилда ака-укалар даҳшатли Афғонистон урушининг оловли синовларига дуч келишди. Биринчи бўлиб урушга Тоҳиржон транспорт самолётини бошқариб борди. Сўнгра, бўлинма командири Муҳаммадали, экипаж командирлари Олимжон ва Раҳимжон тиббий дори-дармон ва бошқа керакли маҳсулотлар ортлган юк самолётини Афғонистонга етказишда жонбозлик кўрсатишди. Олти ака-ука ёш бўлишига қарамай, урушнинг уйқусиз тунларини бошдан кечиришди.

— Ҳарбий учувчиларнинг онаси бўлиш ҳам қийин, албатта. Ўғилларим урушнинг оловли тили остида тўғридан-тўғри жанг қилмаган, самолётда гуманитар ёрдам юklarини ташиган бўлишсада, доим юрагим безовта бўлар, кечалари кўзимга сира-уйқу келмасди. Бир амаллаб тонг оттирардим, — деб ўтган кунларни эсга олади Мархабо опа.

Мархабо опанинг юраги тез-тез безовта бўлиши, кечалари мижжа қоқмай чиқиши, бежиз эмас эди. 1985 йилда бешафқат уруш Муҳаммадалини ёруғ дунёдан олиб кетди. Эндигина 33 баҳорни қарши олган Муҳаммадалининг фожеали ўлими ота-онага қаттиқ зарба бўлди. Кўп ўтмай, Жўра ака ҳам фарзанд доғини кўтара олмай, вафот этди. Муҳаммадалининг номи тинчлик учун жон фидо қилган мард, жасур жангчилар сингари тарихда қолди. Сўнгра Қибрай туманидаги "Дўстлик" кўчасига Муҳаммадали Шожалилов номи берилди.

**С**евимли аканинг ўлиmidан сўнгра ҳам йигитлар ҳарбий учувчилик касбига содиқ қолишди. Урушдан кейин улар ҳарбий ҳаво авиацияси флотида синовчи-учувчи сифатида фаолият юритишди. Тоҳиржон эса ҳарбий кителни Фуқаро авиацияси формасига алмаштирди. "O'zbekiston havo yo'llari" миллий авиакомпаниясининг Ил-76 ҳаво кемасига командирлик қилди. Ҳозир беш ака-укадан фақат энг кенжа

ўғил Рустамжон Ўзбекистон ХХҚда синовчи-учувчи сифатида фаолият юритмоқда. Акалари эса Фуқаро авиациясида хизмат қилишмоқда.

— Акаларим узоқ йиллар давомида ҳарбий ҳаво кучларида синовчи-учувчи сифатида фаолият юритишди. Ҳар биримиз ўндан ортиқ турдаги ҳаво кемаларини бошқарганмиз, — дейди Рустамжон Шожалилов.

**Ш**ундай қилиб, узоқ ва тинимсиз изланишлардан сўнгра, учувчи Шожалиловлар сулоласи дунёга келади. Фарзандларининг бундай ютуққа эришишида билимли, талабчан онанинг роли катта эди. Мархабо опанинг ўзи илк бор олти фарзанди ҳарбий учувчи бўлиб етишганидан кейин самолётда парвоз қилган. Болаларининг самолётга бўлган қизиқиши қаердан пайдо бўлганига, ҳатто меҳрибон она ҳам ажабланирди. Она бу ҳодисани "тақдирнинг сирли тухфаси" деб ҳисобларди.

Ўртанча ўғил Тоҳиржон самога бўлган қизиқишини уларнинг қалбида болалигида меҳмонга келган бир учувчи уйғотган, деб ҳисоблайди.

— Болалик дамларимни яхши эсламан. Ўшанда эндигина 10 ёшга қадам қўйгандим. Қишлоқда боғимиз бўларди. Боғнинг ёнида асаларилар боқардик, — дейди Тоҳир Шожалилов. — Қишлоқда экин-тикинларнинг унумли бўлиши учун сунъий чанглантириш ишлари олиб бориларди. Кунларнинг бирида экинларга дори сепадиган самолёт учувчиси бехосдан дориларни асаларилар устидан сепиб юборибди. Ўшанда бечора асалариларнинг ҳаммаси нобуд бўлган. Кейин учувчи биздан кечирим сўраш учун уйимизга келган. Ота-онам ҳодисадан бир оз хафа бўлишса-да, меҳмонни хурмат ва эҳтиром билан кутиб олишган. Биз эса учувчига ҳавасимиз келганидан, худди қушчаларга ўхшаб, атрофида тизилиб ўтириб, унинг самолётлар тарихи ҳақидаги ҳикояларини мароқ билан тинглаганмиз. У нигоҳимиздаги ҳавасни ҳис қилган шекилли, самолётда бир марта парвоз қилди-



ришга ваъда берган.

Ниҳоят, мен орзу қилган дақиқалар етиб келди, мағрур қумуш қуш ердан осмонга кўтарила бошлади. Бутун вужудимни ҳис-ҳаяжон эгаллаб олган, митти юрагим эса қафасга қамалиб қолиб, чиқишга уринган қушдек қаттиқ урарди. Юрагимнинг дуқиллаган овози нафақат менга, балки атрофдагиларга ҳам эшитилаётганга ўхшарди. Шу вақт самолёт иллюминаторига кўзим тушди. Пастга қараб, жуда чиройли манзарани кўрдим. Бу куёшнинг заррин нурлари ёғилган, саховатли ўлка — Она Ватаним эди. Ота-онам табассум билан самолётга қараб, қўл силкитишарди. Биз ҳам уларга жавобан қўл силкитардик. Худди шу вақтда мен само-ҳаётим эканлигини тушуниб өтдим. Ичимда: "Мен ҳам бир кун келиб учувчи бўламан, бутун дунё бўйлаб парвоз қиламан, Ватанимни кўз қорачигимдай асраб-авайлайман, уни ҳимоя қиламан", деб пичирлардим. Ўша воқеа менга, барча оила аъзоларимнинг сирли авиация соҳасига кириб келишига туртки бўлган, деб ўйлайман. Орадан йиллар ўтди. Мен орзумга эришдим. Фаолиятим давомида ўзим орзу қилгандек биринчи даражали ҳарбий, синовчи ва фуқаро авиацияси учувчиси бўлиб етишдим. Бунинг учун мен аввало, тақдирдан, қолаверса, ота-онамдан ва қачонлардир уйимизга келган учувчидан

авиакомпаниясида, Анвар Шожалилов МАК Як-40 ҳаво кемасида, Азиз Шожалилов Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучларида, Шухрат Шожалилов Россияда "Боинг" авиалайнерида учмоқда. Халқаро "Интерхаус" лицейини тамомлаб, инглиз тилини мукаммал эгаллаган сулоланинг яна бир вақиласи — Элона Шожалилова оиласи бошлаган анъанани давом эттириш истагида. Ҳозир Элона Тошкент авиасозлар касб-ҳунар коллежида таҳсил олмақда. Келажақда у етук авиация ҳуқуқшуноси бўлиш орзусида.

**Р**устамжон Шожалиловнинг Камил, Дилшод ва Шаҳзод исмли ўғиллари бор. Улар ҳозир мактабда ўқишади. Суҳбатимиз чоғида Рустам аканинг рафиқаси Римма опанинг қуйидаги сўзлари эътиборимни тортди.

— Инсон севган касби билан шуғулланса, ҳаёти мазмунли кечади. Фарзандларим қайси касбни танлашдан қатъи назар, мен уларнинг бахтли бўлишини хоҳлайман. Агар учувчи бўлишни истасалар, биз ҳеч қачон қаршилиқ кўрсатмаймиз, аксинча бу бизни қувонтиради.

Ким билсин, балки улар келажақда ота изидан боришар, юксакларга — парвоз қилишар. Истиқлол шарофати билан Шожалиловлар оиласидан космонавтлар ҳам етишиб чиқса не ажаб. Зеро, доно халқимизда от изини той босар, — деган нақл бор.

Шаҳноза ҚУРБОНБОВА

## Саховатга йўғрилсин умр



— Сирожддин, Истиқлолнинг 15 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан “Ўзбекистон халқ шоири” унвонига сазовор бўлдингиз. Аввало, юксак унвонингиз муборак бўлсин!

Айтинг-чи, бугун халқнинг кўнгил тўрида турган шоир сифатида қалбингиздан қандай ўйлар кечмоқда?

— Истиқлолимизнинг 15 йиллиги санаси бу — элу юртимизнинг муҳташам, улуғвор байрами. Муҳтарам Юртбошимиз гуруҳ ҳақида, юрт, Ватан туйғуси, фахру ифтихор ҳақида ҳамisha, ҳар доим гапириб келади-

да ажралиб туради. Китобхон қалбига ватанпарварлик, олижаноблик, миллат фахр-ифтихори, ворислик масъулияти каби инсоний туйғуларни юқтирувчи шеърларни ёзганингизда қандай ҳолга тушасиз?

— Ҳазрат Алишер Навоидан тортиб то бугунги устозларимизгача — жуда ҳам чексиз, поёнсиз шеърятимиз бор. Таъбир жоиз бўлса, бизнинг назмий диёримиз ҳам гоят муқаддас ва улуғвор. Биз устозлар мактабидан униб чиққан ниҳолларимиз. Абдулла аканинг сатрлари борку: “Мен фахр этсам умримнинг ҳар они сабаб бўлмай”. Ҳали айтганимиздай, худди шу фахр, шу

нинг заҳматлари ҳам улуғ бўлади. Улуғ мақсадларга интилиш эса, лоқайдлик, хотиржамликни кўтармайди.

— Истиқлол янгича фикрлайдиган, янги давр одамини шакллантирди. Табиатида Ватандан фахрланиш, миллий фахр-ифтихор, анъаналарга ҳурмат, умуминмуносада ўз



## “Бу диёрнинг айвонлари нурга талош...”

РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ СИРОЖИДДИН САЙИД БИЛАН СУХБАТ

лар. Ҳақиқатан ҳам, фахрлансак арзийдиган она Ватанимиз, гурурлансак — шунга яраша халқимиз, ору номусимиз бор. Менинг ҳам кўнглимда шу ифтихор, шу гурур, шундай улуғ элга фарзанд бўлишдан фахрланиш тўлқинлари мавж ураётди. Ҳар биримиз элимизнинг шаъну шавкатига муносиб дилбанд бўлайлик деб ўйлайман.

— Мустақиллик байрами халқимизнинг чинакам ифтихор шодиёнасига айланди. Халқимиз руҳига руҳ, орзумидларига қанот бағишлайдиган табаррук кунларига суҳбат мавзуси ҳам ўз-ўзидан Ватан туйғусига бориб тақалади. Аслида Ватан туйғуси нима, у шоир юрагида қандай акс-садо беради?

— Албатта, Ватан ўз-ўзидан Ватан бўлмайди. Ўн беш йил ичида чеккан заҳматларимиз бунга гувоҳлик бериб турибди. Ватан — бешикдаги боламиз, онамиз, бори тирикчилигимиз, борлигимиз. Шоир ҳам Ватан ҳақида шеър ёзар экан — у ўзини элу юртга наф келтирадиган кўприк, йўл ва ёки муҳташам бир бино қураётган ёки бир саҳрони обод қиляпман, деб ўйламоғи лозим бўлади.

— Шеърларингизда Ватан шарафи, овозлик шуқуҳи, она юртга меҳр-муҳаббат алоҳи-

ифтихор такрор ва такрор кўнгилдан кечади.

— Ватан овозлигидек бахт бугун ҳаммамиздан фидойилик талаб қилади. Бу борада сусткашлик, лоқайдлик катта гуноҳ саналади. Бу ҳақдаги фикрингиз?

— Мен ҳар гал Истиқлолимизнинг улуғвор саҳифаси — Мустақиллик майдонига борганимда кўнглимдан ажиб ҳаяжонлар, туйғулар кечади. Эзгулик аркаси узра чарх уриб турган турналар, тинчлик-осойишталик рамзи бўлмиш лайлақларни ҳам, худди шундай завқу шавққа тўлаётган отахон ва онахонларни кўриб ҳайратланаман. Неча аждод ва авлодлар орзумидларининг рамзига айланган Бош майдонимиз, Мустақиллик ва Эзгулик монументи, олижаноблигимиз, оилапарварчилигимиз ифодаси бўлмиш Бахтиёр она тимсоли — ҳамма-ҳаммаси кишини гурурлантиради. Муҳтарам Президентимиз, Амир Темур бобомиздан мерос шу гурур ҳақида, доимо, айниқса, ёш авлодга тинимсиз уқтириб, таъкидлаб келадилар. Бунинг замирида — эл-юртнинг Истиқлоли, истиқболи билан чамбарчас боғлиқ улуғ ҳикматлар бор. Улуғ мақсадлар-

ни англаган бу авлодни Мустақилликнинг ўзи тарбиялаб, камолга етказди.

— Бугунги ёшларимизнинг бахту толеига — неча аждодларимиз, ота-боболаримиз ҳавас қилса арзийдиган гўзал, овоз ва обод давру давронлар насиб этди. Истиқлолнинг илк йилида туғилган ўғил-қизларимиз ўн беш ёшга тўлди. Булар — бўстониимизнинг гул-чечаклари, камолот палласига кираётган навниҳоллари.

Ватан, бўстонларинг озода бўлмай, ўғил ҳам қизларинг жонзода бўлмай. Султондай қад ростлар ҳар бир дарахнинг, очилган ҳар гулинг хонзода бўлмай. — Халқ ҳамisha ўз шоиридан эзгу тилақлар кутади. Байрам тилақларингиз.

— Она Ватанимизга, элу элдошларимизга янги-янги қувончлар, бахту саодатлар ҳамisha ёр бўлаверсин. Ҳар биримиз — юртимизга, улуғ зотларимизга, қатлам-қатлам ору ному, шаъну шавкатдан иборат шу тупроғимизга муносиб, жонсўз, жонфидо фарзанд бўлайлик.

Сухбатдош:  
Амина ҚОДИРОВА,  
“Ишонч” муҳбири

## Юрт ишқи

Кеча самарқандлик бир шоирнинг шеърини газетага бергандик, бугун қашқадарёликларнинг бир даста шеърини тутқазиди. Бадиий савияси турли даражада бўлса-да, барида Ватанга ошиқ қалб, куюнчак юрак уриб турибди. Энтикиб кетаман.

— Мана бу шеърни ўқиб кўринг-да, — дейди янги ходима Дилдора, — бу киши ҳам қашқадарёлик, Зебо Мирзо.

Отамдай рози бўл,

Онамдай севгин,

Мен ҳам сеникиман, ўксик қизингман,

Бағрингда минг йиллик тошлар тўсиғин

Ёриб чиқаятган бир илдицингман.

Шеърят билан ошнолигим боис мени ҳала-була сатр ҳайратга соломасди. Бу бошқача шеър. Бу — ШЕЪР. Ватан ҳақида бундай ёзишга қалбда бир гўзал дарди, юртига тоза муҳаббати борларгина муяссар бўла олади.

Яқинда сурхондарёлик бир дўстим билан суҳбатлашиб қолдим. Сўзларидан Ватанга меҳр ёғилади. У дейди: “Ватанни севаман дема. Ишингни кўрган киши, ҳа, бу Ватанни сева экан десин”.

Турли қиёфали кишилар ҳаёлимдан ўтади.

Тонг оқарганда Тошкентга келдим. Икки қўлимда оғир юк билан турибман. Ёнимга қоп-қора “Нексия” келиб тўхтади.

— Ока, қатга?

— Чилонзорга.

— Ўтиринг, 2 минг берсангиз бўлди.

— Сал тушинг.

— Вой, ока, бензин ошди-ку?

Йўл азоби қийнаб қўйганлигидан рози бўлдим. Манзилга келгунча нарх-наводан, ҳатто об-ҳаводан нолиб келди. Ҳашига тегди.

— Машина олганингизга неча йил бўлди?

— Ўн йилда иккитасини алмаштирдим.

— Касбингиз нима?

— Ҳайдовчи.

— Мустақилликдан илгари ҳам шахсий машинангиз бўлганми?

— Йўқ, давлатнинг “КамаЗ”ини ҳайдаганман.

— Ёзда Қарши ёки Термизда бўлганмисиз?

— Чўлда кучугим адашганми?

Етиб келдик. Шошилиб қайтиб кетди.

Ҳаёлимда яна бошқа бир манзара жонланади.

Ўшанда Тошкентга истиқлолдан кейин биринчи келишим эди. Барвақт келибман. Ташкилотлар соат 9 дан ишлайди. Ҳали 4 соат вақт бор. Оёқда зўрға турибман. Хилват жой бўлса, роса мириқиб ухлаб олам...

Ҳолимни тушунди шекилли, мен билан бирга келган киши уйига таклиф қилди. Йўқ десам ҳам, кўярда қўймай олиб кетди. Юмшоққина тоза ўринда ётиб, уйкуга тўйдим. Ҳаммомга тушиб, соқолларимни олиб, иссиққина чой ичиб, ўз уйидан келган тошкентликдек соат 9 да керакли жойга бордим.

Ўша одамнинг исми эсимда йўқ. Болаларининг одоб билан келиб кўришганлиги, нотаниш “кенной”нинг бир бегона кишига муруввати хотирамдан кетмайди.

— Машинам Муборақда бузилиб қолди, мен тез қайтишим керак эди. Укамга айтаман, тузатиб миниб келади, — деди.

— Уйингиз чиройли экан, — дедим икки қаватли бир неча хонали кошонага ҳайрат билан тикилиб.

— Мустақиллик берди, — деди у.

Мана шундайлар ҳақиқий ўзбек. Кўз тегмасин, яхши тадбиркор, саховатли инсон.

Мана одамийлик, мана маданият. Анча йиллар бўлди, лекин шуларни тоғиб, Қаршига олиб бориб бир меҳмон қилсам, дейман.

Тўғри, бундайлар кўп меҳнат қилишади, шунга яраша яхши топишади, уларнинг Ватанга муҳаббати, юртдошларига ҳурмат-эҳтиром саховат билан йўғрилган бўлади. Мустақиллик йилдан-йилга бундай саодатманд юртдошларимизни кўпроқ кашф этмоқда.

Улуғ байрам кунлари ҳалол топиб, уни эзгу ишларга сарфлайдиган бундай замондошлардан ифтихор этиш туйғуси баҳор эпкинндай кўнглини яшнатиб юборади.

ДОВУД МАҲДИЙ

Сирожддин САЙИД

## ВАТАН ДЕСАМ

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,  
Бу диёрнинг кайвониси ою кўёш.  
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,  
Кўзга суртай ноиларини, ноиларини.


Тирикликнинг заҳматлари, тақдирлари,  
Ҳаётининг бор ҳикмат ҳам тадбирлари,  
Эй, онаминг тупроққина тандирлари,  
Иситгансиз жонларини, жонларини.

Ким Ватанни зар тўнига енг этмишдир,  
Ким бағрини осмонлардай кенг этмишдир.  
Яратганинг ўзи бугун тенг этмишдир  
Асрларга оиларини, оиларини.

Бир суворий келмоқдадир — Бобурми э?  
Ҳиротми ё, Ҳиндистонми ёки Кунё,  
Кўриб келди, бундан сўнг ҳам кўрсин дунё  
Султонлари, хонларини, хонларини.

Бу диёрнинг айвонлари нурга талош,  
Бу диёрнинг кайвониси ою кўёш.  
Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,  
Кўзга суртай ноиларини, ноиларини.

Нечун ўтмоқ ҳасад экиб умрларга,  
Дилни ўраб гараз, рий — кўмирларга?  
Ҳавас қилиб яшанг улуғ Темурларга,  
Эл билгайдир шонларини, шонларини.



Хафталик TV дастури 4 сентябр - 10 сентябр

Душанба 4

O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.45 "Тахлилнома". 8.45 ТВ анонс. 8.50 Олтин мерос. 8.55 "Олам ва одам" дастури: "Замин мавжудотлари".

YOSHILAR

22.55 "Кўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз берилди) 23.05 "Олам ва одам" дастури: "Замин мавжудотлари". 23.55-24.00 Тунги наволар.

TOSHKENT

17.55 Курсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильм. "Покахонтас". 18.10 "Телекурер-маркет". 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. (рус)

SPORT-TV

7.00 "Бардам бўлинг". 8.00 "Версия". Информацион-таҳлилий курсатув. 8.30 "Умид юлдузлари". 8.50 Мультфильм. 9.00 "Талқин". Информацион-таҳлилий курсатув.

ПЕРВЫЙ

4.00 Телеканал "Доброе утро". 8.00 Новости. 8.05 "Малехов +". 8.50 "Шоу чемпионов" Алексея Немова 10.00 Поле чудес 11.00 Новости 11.30 "Детективы". 12.05 "Логита. Без комплексов" 13.00 Другие новости 13.25 "Понять. Простить". 14.00 Новости (с субтитрами) 14.15 Вне закона 14.50 "Любовь как любовь". Многосерийный фильм

РОССИЯ

4.00 "Доброе утро, Россия!".

7.45 "Целуй меня крепче". 8.30 Валерий Николаев и Андрей Толубеев в фильме Ярополка Лапина "Любовь по заказу". 1993г. 10.00 ВЕСТИ. 10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. 10.50 "Комната смека". 11.45 "Частная жизнь". Ток-шоу с Владимиром Молчановым и Ликой Кремер.

ТВ-3

6.30 Мультсериал "Гарфилд-2". 82-я серия. 7.00 Победноносный голос. 7.30 Про кино. 8.00 Мультсериал "Сабрина - маленькая ведьма". 61-я серия. 8.30 Русские мультфильмы. 9.00 Про кино. 9.30 Сериал "КОМНАТА СМЕКА". 2-я серия. 10.00 Художественный фильм "ВОЖДЬ БЕЛОЕ ПЕРО". США, 1984.

перевод Гоблина. 13-я серия. 2.30 Художественный фильм "ПСЫ ВОЙНЫ". Великобритания, 2002. 4.30 Сериал "СЕМЬЯ СОПРАНО" в правильном переводе Гоблина. 13-я серия. 5.30 Relaks.

СТС

7.00 "ПИРАТСКИЕ ОСТРОВА". Многосерийный художественный фильм. 2 серии. 7.55 "Смешарики". Многосерийный мультипликационный фильм. 8.00 Комедия на СТС. "ДЕДУШКА МОЕЙ МЕНТЫ". 8.30 Комедия на СТС. "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ". 9.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ". Многосерийный художественный фильм. 10.00 История в деталях. 10.28 Настроение с Евгением Гришковцом. 10.30 "Снимите это немедленно". Развлекательная программа с элементами реалисти-шоу. Ведущие - Саша Вертинская и Таша Строган.

НТВ

5:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ". 8:00 "СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...". 9:00 "СЕГОДНЯ". 9:15 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР

ЗА НЕДЕЛЮ. 9:55 "КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК". 10:55 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС". 12:00 "СЕГОДНЯ". 12:30 Вячеслав Тихонов, Игорь Старыгин, Ирина Печерникова в фильме "ДОЖИВЕМ ДО ПОНЕДЕЛЬНИКА". 14:30 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 15:00 "СЕГОДНЯ". 15:25 Сериал "УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ". 17:30 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 18:00 "СЕГОДНЯ". 18:45 ПРЕМЬЕРА. Сериал "ОСТРОГ. ДЕЛО ФЕДОРА СЕНЧЕНОВА". 19:45 ПРЕМЬЕРА. Игорь Лагутин, Геннадий Митник и Андрей Савостьянов в остросюжетном сериале "КОДЕКС ЧЕСТИ - 3". 20:45 "ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ". 21:00 "СЕГОДНЯ". 21:55 Мал Гибсон в боевике "СМЕРТЕЛЬНОЕ ОРУЖИЕ -1/2". 23:55 "ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ". Ток-шоу Татьяны Толстой и Адоты Смирновой. Екатерина Селезнева

DTV

7.30 Мультфильмы. 9.00 Самое смешное видео. 9.30 Фильм-расследование "Как ухитрились кумиры". "Юлиян Семенов". 9.55 Музыкальная программа "Неспящая музыка". 10.00 Телемагазин. 10.30 Автоновости "Караданный вал глосс". 10.55 Художественный фильм "ЛЮНА-44". 13:00 Приключенческий сериал "РЫЦАРЬ ДОРОГ". 14:05 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР". 15:00 Юмористический журнал видеоклипов "Каламбур". 15:30 Мультфильмы. 15:45 Мультфильмы. 16:00 Мультфильмы. 16:30 Фильм-расследование "Как ухитрились кумиры". "Юлиян Семенов". 17:00 Русский фильм. "ХЛЕБ, ЗОЛОТО, НАГАН". 18:00 Альманах невероятных событий "Этот безумный мир". 19:00 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР". 20:00 Приключенческий сериал "РЫЦАРЬ ДОРОГ". 21:00 Самое смешное видео. 21:30 Юмористический журнал видеоклипов "Каламбур". 22:00 Юмористическая программа "Фабрика смека". 23:00 Детективный сериал "С.СИ МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ". 0.00 Детективный сериал "ЛАС-ВЕГАС". 1.00 Автоновости "Караданный вал глосс". 1.30 Новая развлекательная программа "Карири". 2.25 Музыка на ДТВ.

Сешанба 5

O'ZBEKISTON

